I-2 697

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

17 май, шанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 107 (1624)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## Б. С. ҲАМИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ -- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари -- Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазири этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари -- Ўзбекистон Республикаси молия вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 16 май

## ТОШКЕНТ КИНОАНЖУМАНГА ТАЙЁР

XALQARO KINOFESTIVALI TOSHKENT-97 INTERNATIONAL FILM FESTIVAL

***16 май куни Вазирлар Маҳкамасида ўн иккинчи Тошкент Халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирликлар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.***

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раисининг ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди. «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Т. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ахборот бердилар. Ахборотларда таъкидланганидек, нуфузли кинофестивалга 32 мамлакат ҳамда саккизта халқаро ташкилотдан кино усталари, санъат ва маданият арбоблари ташриф буюради. Фестивал дастурида намойиш этиладиган фильмлар келтирилди. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли санъат саройи, «Ватан», «Гагарин», «Дўстлик», «Қозоғистон» ва «Нукус» кинотеатрлари фестивал фильмларини намойиш этиш учун тахт қилиб қўйилди.

Анжуман кунлари Тошкент шаҳри байрамона безатилади. Фестивал қатнашчиларига кўрсатиладиган маданий хизмат дастурини тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам асосан туғалланди.

Мажлисда тегишли вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарларига фестивалга ҳозирлик ишларини ниҳоясига етказиш, уни юртимиз нуфузига хос юқори даражада ўтказиш юзасидан топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**





*Тойлоқда ғаллачилик билан бир қаторда сабзавотчилик ва картошкачиликка ҳам катта эътибор берилади. Шу кунларда тумандаги қатор хўжаликларда плёнка остида етиштирилган картошкани йиғиб олиш бошланди. Голландиядан серҳосил помидор ва карам уруғлари олиб келингани сабабли туман соҳибкорлари ҳар гектар майдондан 500 центнергача ҳосил олишни мўлжаллашяпти.*

*СУРАТЛАРДА: Амир Темур номли жамоа хўжалигида: иссиқхона мудири Аблоберди Раҳимов ва хўжалик иқтисодчиси Ҳурсандмурод Холиқов иссиқхонада етиштирилган картошкани кўздан кечиришяпти; Мусохон Хўжаев олти гектар майдонда теракзор яратди; Иссиқхона ишчиси Мавжуда Раҳимова.*

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*КЎРГАЗМА*

## «АГРОТЕХ -- 97»: КЕЛАЖАККА БИР НАЗАР

***Пойтахтдаги Ўзэкспомарказда қишлоқ учун мини-технологиялар ва ускуналар биринчи республика кўргазма-савдоси -- «Агротех -- 97» ниҳоясига етди.***

Биринчи марта ташкил этилган бу кўргазма муваффақиятини унинг ташкилотчилари кўргазманинг қишлоқ тадбиркорларига мўлжаллангани ва аниқ йўналиши билан изоҳламоқдалар. Кўргазма аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мўлжалланган мини-технологиялар билан батафсил таништиришни мақсад қилиб қўйган эди ва айни агробизнес, кичик ва ўрта бизнес вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотди. Кўргазманинг ҳар бир куни қизғин ўтди: тадбиркорлар бу ерда намойиш этилаётган қишлоқ хўжалик техникаси, сут, гўшт, сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган ускуналар билан танишиш, улар қандай ишлаётганини ўз кўзлари билан кўриш ва улардан фойдаланиш, афзалликларига баҳо бериш учун эрталабдан кечгача келишар эди.

Кўргазманинг сўнги иш кунида бу ерга Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов келди ва экспозицияларни кўздан кечирди.

**(ЎзА).**

## ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА УЧРАШУВ

16 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзиянинг «ПНБ» компанияси ижрочи директорининг ўринбосари Хамад Кама Пиах Бин Че Усмон раҳбарлигидаги ушбу мамлакат савдо делегацияси аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. Шоабдураҳмонов меҳмонларга пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик тадбиркорларга яратилган қулай шарт-шароит тўғрисида сўзлаб берди. Жумладан, Тошкентда етмишга яқин мамлакат сармоядорлари билан ҳамкорликда очилган кўплаб қўшма корхоналар муваффақиятли ишлаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида пойтахтимиз хўжалигининг турли соҳаларига Малайзия сармоясини киритиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шаароний ибн ҳожи Иброҳим ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ПОЙТАХТДА ЕВРОПА КУНЛАРИ

Кеча Тошкентда Европа Иттифоқи ташкил этилган кун муносабати билан «Европа кунлари» нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ҳамда Европа ҳамжамияти комиссияси техник фаолиятини мувофиқлаштириш бюроси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда республикамиз тегишли вазирлик ва муассасалари вакиллари, дипломатлар, халқаро ташкилот, банк ва компанияларнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси етакчи мутахассислари иштирок этди.

Маълумки, 1950 йилнинг майида Франция ташқи ишлар вазири Роберт Шуман Европа кўмир ва пўлат бирлашмасини ташкил этиш ғоясини илгари сурган эди. Орадан кўп ўтмай Европанинг олти давлати ана шу халқаро ташкилотни тузиш ҳақидаги битимни имзолади. Шундай буён ҳамжамиятга аъзо давлатлар ушбу санани байрам сифатида кенг нишонлайдилар. Айни пайтда иттифоққа 15 давлат аъзодир.

Тадбирда республика Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раиси М. Мирқосимов, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси маданий ишлар бўйича котиби М. Шимандл ҳамда Европа ҳамжамияти комиссияси техник фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон бюроси бош маслаҳатчиси П. Реддиш анжуман қатнашчиларини ушбу байрам билан қутлаб, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Бундай ҳамкорлик ҳар икки томон учун фойдали бўлаётганини таъкидладилар.

**Х. АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ

***Анчадан буён Россия билан Белорусь ўртасида тузилажак шартнома атрофида ҳар хил гап-сўзлар бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу шартномани сиёсатчилар ва журналистлар турлича шарҳламоқдалар. Аммо назаримда бу шартнома замирида нималар яширинганлигини ҳали ҳамма ҳам тўлиқ англаб етмагандек: «Ҳа, шартнома тузса-тузибда-да, бизга нима?» қабилида сайёз фикр юритаётгандекмиз, гўё.***

## ВАТАННИ АНГЛАШ МАВРИДИ

Ғалаба байрами куни урушда вафот этганлар хотирасини ёд этиш учун тўпланганлар олдида Президентимиз бошқа масалалар қатори ушбу масалага ҳам алоҳида тўхталди. Президентимизнинг фикрларидан шартномадан кўзда тутилган асл мақсад нима эканлигини тўлиқ англаш мумкин. Шартнома қандай номланмасин, «иқтисодий бuҳрондан ҳамкорликда чиқиш» ёки «интеграция» каби қанчалик силлиқ шаклларга ўралмасин, бу қулаган империяни қайта тиклаш сари жуда усталик билан ташланган қадамдан бошқа нарса эмаслигига амин бўласан, киши.

Президентимиз собиқ шўролар замонида республикаларнинг раҳбарлари оддий масалани ҳал этиш учун ҳам марказий қўмитанинг кичик мансабдори кабинети олдида сарғайиб навбатда турганлигини эслатиб ўтди. Эркимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз топталганлиги ҳақида бундай мисоллар жуда кўп.

Ноширлар яхши билишади, Ўзбекистонда нашр этиладиган китобларнинг ҳаммаси камида икки-уч йил олдин Москванинг тасдиғидан ўтарди, «темир рўйхат»га киритиларди. Аввало рухсат тегмасди, ижозат бўлганда ҳам вақт ўтган ёки мавзу ўз долзарблигини йўқотган бўларди. Мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган дарсликларнинг деярли ҳаммаси «ағдарма» китоблар эди. Ёхуд тарихимиз қандай ёритилганлиги ва ўқитилганлигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Биз яна ана шундай «интеграция»ни хоҳлаймизми?

Номзодлик ва докторлик диссертациялари рус тилида ёзилиши ва ёқланиши шарт эди. Бўлажак олим илмий иш мавзуси бир ёқда қолиб, рус тилининг сир-асрорини обдон ўрганишга ёки бўлмаса харажат қилиб ишини ана шу тилга ўгиртиришга мажбур бўларди. Биз яна ана шундай «ўзаро бирлик»ни хоҳлаймизми?

Қафасдан бўшаган қуш яна қафасга киришни асло хоҳламайди, Эркинг ўз қўлингда бўлмаган, тарихинг сохталаштирилган, ёппасига фаровонлик ваъда қилишдан нарига ўтмаган, инсон ҳуқуқи ҳар қадамда паймол қилинган, ақл-заковатли кишилар доим чиғириқдан ўтказиб турилган, еримиз «стратегик мақсадлар» йўлида заҳарланган, ўқувчи-ю, талабаси илм олиш ўрнига қорли-қировли кунларда эгатларда бош эгган иттифоқнинг бизга кераги йўқ.

Жаҳон тарихида ҳеч бир мамлакат бозор муносабатларига осонлик билан ўтмаган. Бироқ шукроналар бўлсинки, Президентимиз бошчилигида башарият тарихида ўрни ва нуфузи баланд бўлган Ўзбекистоннинг равнақи ва халқимиз манфаатлари йўлида ҳамма ишлар қилинмоқда. Барча соҳаларда ютуқларга эришилаяпти. Бироқ бу муваффақиятлар янада кўпроқ бўлиши, орамизда кимлардир миси чиққан эски тузумни соғинмаслиги учун ҳар биримиз курашмоғимиз керак.

Биз ҳуқуқий демократик давлат қураяпмиз. Бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир фуқаро ақл-заковати, интилишлари, қобилиятига кенг йўл очаяпти. Ҳозир ҳаётда учраётган салбий кўринишлардан халос бўлиш учун, аввало, ўзлигимизни танишимиз, онгимизни яшартиришимиз зарур бўлади. Ҳар ким қўлидан келадиган, қобилиятига мос бўлган юмушни бажариб, жамиятнинг, юртнинг равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиши керак. Ҳар биримиз «коммунистик» даврдан мерос бўлиб қолган «Ҳа, давлат бор-ку, ўзи боқиб олади», деган боқимандалик кайфиятидан тезроқ халос бўлишимиз лозим. Агар олий ўқув юрти ўқитувчиси дарсхонада талабаларнинг қўлига қараса, ё бўлмаса мустақиллигимизни мақтайдиган олим, амалдор ёки бошқа касб эгасининг сўзи билан иши бир бўлмай, қонунларга чап берса, қинғир ишлар билан шуғулланса, катта бир корхона, хўжалик, туман, вилоят ҳаёти ишониб топширилган мансабдор амалга ўтирган заҳоти атрофига ўз хеш-ақраболарини, қариндош-уруғларини тўплашга киришса -- бу офат, оқми, қизилми империя атрофига бирлашишга чақираётганлар тегирмонига сув қуйиш билан баробардир.

Президентимиз айтганидай шу азиз Ватан барчамизники, унинг равнақи, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ҳаммамизнинг ташвишимиз бўлмоғи зарур. Ўзбекистон жаҳонга юз очиб, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун салоҳияти, илмий ва табиий имкониятлари етарли. Ҳамма гап уни ишга солишда, ўзини шу юрт фарзанди деб билган барчанинг фидойилик кўрсатишида. Биз юртимиз жаҳон тарихида қанчалик салмоқли ўрин тутганлигини биламиз. Буюк аждодларимиз дунё маданиятига катта ҳисса қўшганлиги билан фахрланамиз ва шу йўсинда мустақиллигимизни ардоқлаб ўзлигимизни тўлиқ англай борамиз.

**Доннёр БЕГИМҚУЛОВ.**

## САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

### БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Абн Амро банк» (Нидерландия) ўртасида 16 май куни узоқ муддатли ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Уни «Абн Амро банк» вице-президенти Ян Купман ва Миллий банк бошқаруви раиси Р. Азимов имзоладилар.

Битимда иккала молия ташкилотининг Ўзбекистон билан Голландия ўртасидаги савдо-сотиқни кенгайтириш, сармоя билан боғлиқ лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётига илғор технологияларни жалб этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Шу битимга мувофиқ «Абн Амро банк» икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги экспорт битимларини маблағ билан таъминлаш учун Миллий банкка қарз беради.

Банк соҳасида, аввало турли мамлакатлар экспорт-кредит маҳкамалари кафолатига мувофиқ маблағ билан таъминлаш тартибини ишлаб чиқиш масалаларида, лойиҳаларнинг молиявий имкониятларини таҳлил қилиш, маблағ билан таъминлашнинг мақбул тартибини баҳолаш ва ишлаб чиқиш ҳамда республикамиз иқтисодиётининг устувор тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш учун машина-ускуналар ва бутловчи материаллар етказиб бериш соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик ривожланади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, қўшма корхоналар барпо этиш учун шерикларни танлашга, мамлакатимизга хорижий хусусий сармояни жалб этишга, экспорт-импорт битимларига молиявий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилади.

«Абн Амро банк» Миллий банкка унинг мутахассисларига ўз бўлимларида тажриба ўргатишни, биринчи навбатда сармоя билан боғлиқ лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини экспертизадан ўтказиш масалалари бўйича тажриба ўргатишни ташкил этишда техникавий ёрдам беради.

### «ДАМАС» ТУРКИЯГА ҚАТНАЙДИ

Самарқанддаги «Жайлон» Ўзбекистон -- Туркия қўшма корхонаси вакиллари Махмед Жайлон ва Тўра Примов мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Дамас»да 5500 километрдан кўпроқ йўл босиб Истамбулга бордилар.

Корхона Туркиянинг «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган тўқимачилик мажмуаларини жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, уларни таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Иш юзасидан Туркияга тез-тез боришга тўғри келаяпти. Қўшма корхона бош директори Махмед Жайлон таклифи билан «Дамас»да сафарга чиқиб Туркманистон, Эрон давлатлари орқали Туркияга йўл олишди. Бу машинага чўлу-саҳролар, қир-адирлар, ёмғиру қорлар писанд эмас экан.



Эндиликда улар Истамбулга ўзимизга қарашли «Дамас»да қатнаш ниятидалар. Яна бир эътиборли томони шундаки, Туркияда бу автомобилга қизиқиш катта экан.

### ИХТИРО ВАЛЮТАНИ ТЕЖАЙДИ

«Академускуна» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари метрога ўрнатиш учун мўлжалланган диспетчерлик тизимининг илк нусхасини яратди. Йўналишларни автоматик тарзда назорат қилиб турадиган ушбу қурилманинг афзаллиги шундаки, у ўта ихчам, электр энергияни кам сарфлайди ва бир йўла еросги ҳавосини ҳам назорат қилиб туради. Ваҳоланки, Тошкент метрополитени маъмурияти вакиллари бундай қурилмани Россиядан сотиб олишни мўлжаллаётган эди. Улар «Академускуна» олимларининг ихтироси билан танишиб, уни юксак баҳолади ва ҳозир жадал қурилаётган Юнусобод йўналишида фойдаланиш учун янги ускунага буюртма берди.

### МЕҲНАТГА ЯРАША МУКОФОТ



Наманган вилоятида ўрим-йиғим арафасида эълон қилинган мусобақа шартлари хўжаликлар раҳбарлари, комбайнчилар, тракторчилар, ғалла қабул қилиш пунктлари ходимларининг диққат-эътиборини ғаллани қисқа муддатда ўриб-йиғиб олишга қаратади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармаси, «Наманганддонмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси бу мусобақанинг ташаббускори бўлди.

Энг катта мукофот туманлар орасидаги ғолибга берилади. Биринчи ўринни олган туманга 400 минг сўм пул, бундан ташқари, республика санаторийлари ва дам олиш уйларига ўн бешта йўлланма ажратилади. Вилоят хўжаликлари ўртасидаги мусобақа ғолибига ҳам ана шундай йирик мукофотлар бериш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, мусобақа шартларига кўра, энг яхши комбайнчилар, тракторчилар, ғалла қабул қилиш пунктларининг ходимлари ҳам мукофотланади

УШБУ СОНДА:

3-бет — ОЗОД ЮРТНИНГ ОЛТИН КАМАРИ

4-бет — РЕЙН БЎЙИДАГИ УЧРАШУВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК, АЙРИМЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**I. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, N4, 76-модда; 1992 йил, N9, 363-модда):

1) **1-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёхуд бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) орттиришига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ҳамда бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ўзга органларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

2) **5-моддада**:

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамоат бирлашмалари ташкилотларининг тадбирлари улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади»;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатлари фаолиятини давлат томонидан молиявий таъминлаш тақиқланади, қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов кампанияларини молиявий таъминлаш ҳоллари бундан мустасно»;

3) **6-модданинг биринчи қисмидаги** иккинчи жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда сиёсий партиянинг камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган камида беш минг, касаба уюшмасининг эса, камида уч минг аъзоси бўлиши керак»;

4) **11-модданинг учинчи қисмидаги** «халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советлари ижроия қўмиталарининг» деган сўзлар «вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм билан тўлдирилсин:**

«Сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб туриш «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади»;

6) **16-модданинг биринчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилади ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашади».

«Сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фракциялар ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия гуруҳлари тузиш ҳуқуқига эгадир».

2. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, N4, 78-модда; 1993 йил, N6, 246-модда; 1994 йил, N11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N9, 193-модда; 1997 йил, N2, 56-модда) **27-моддасининг 1-банди иккинчи қисмидаги** «давлат ижтимоий суғурта фондига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, N4, 86-модда, N8, 191-модда; 1992 йил, N1, 49-модда, N4, 177-модда, N9, 337-модда; 1993 йил, N1, 20-модда, N6, 240-модда; 1994 йил, N5, 159-модда, N11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N9, 193-модда, N12, 269-модда; 1996 йил, N5-6, 69-модда, N9, 144-модда; 1997 йил, N2, 56-модда) **4-моддасининг биринчи қисми учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фондига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, N4, 88-модда, N8, 191-модда; 1992 йил, N1, 50-модда, N4, 168-модда, N9, 337-модда; 1993 йил, N1, 20-модда; 1994 йил, N1, 14-модда, N11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N9, 193-модда, N12, 269-модда; 1996 йил, N9, 144-модда) **19-моддасининг 2-банди «а» кичик бандидаги** «давлат ижтимоий суғурта ва пенсия таъминоти жамғармаларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N1, 22-модда; 1994 йил, N5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N9, 144-модда; 1997 йил, N2, 56-модда) **4-моддасининг:**

1) **1-бандидаги:**

«е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) ижтимоий таъминот органлари -- зарар етказувчидан регресс даъволар бўйича қуйидагиларни ундириш юзасидан:

-- жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммасини;

-- бензинга, автотранспорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатишга ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга, ногиронларни автотранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларнинг суммасини, шунингдек, нотўғри тўланган пенсия ва нафақа суммаларини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

«ж» кичик банди чиқариб ташлансин;

«н» кичик бандидаги «Мелиорация ва» деган сўзлар «Қишлоқ ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ш» кичик банди «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлардан кейин «Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2) **2-бандидаги:**

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) ижтимоий таъминот органлари -- зарар етказувчидан регресс даъволар бўйича қуйидагиларни ундириш юзасидан:

-- жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммасини;

-- бензинга, автомобиллар ва мотоаравачаларни таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатишга ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга, ногиронларни автотранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларнинг суммасини»;

«б» кичик банди чиқариб ташлансин;

«е» кичик бандидаги «Мелиорация ва» деган сўзлар «Қишлоқ ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Гаров тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N1, 17-модда; 1994 йил, N11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N6, 118-модда, N9, 193-модда) **37-моддасининг 3-банди** «мажбурият мазмуни ўзгартирилган», деган сўзлардан сўнг «кейинги ипотекада» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N6, 118-модда) **31-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади».

8. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N5, 221-модда):

1) **8-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-моддасининг иккинчи қисми** «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» деган сўзлар билан тўлдирилсин ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **13-моддасидаги, 14-моддасининг биринчи қисмидаги, 16-моддасидаги, 17-моддасининг иккинчи қисмидаги, 22-моддасининг иккинчи қисмидаги, 24-моддасининг биринчи қисмидаги, 29-моддасидаги, 30-моддасининг учинчи қисмидаги, 44-моддасининг иккинчи қисмидаги, 49-моддасининг олтинчи қисмидаги, 56-моддасининг учинчи қисмидаги, 59-моддасининг биринчи қисмидаги, 60-моддасининг иккинчи қисмидаги, 65-моддасидаги, 73-моддасининг биринчи қисмидаги, 80-моддасидаги, 82-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларидаги, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 98-моддаларидаги, 101-моддасининг иккинчи қисмидаги, 102, 103-моддаларидаги, 104-моддасининг учинчи қисмидаги** «сув хўжалиги» деган сўзлар «қишлоқ ва сув хўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **27-моддасининг биринчи қисмидаги, 48-моддасининг учинчи қисмидаги** «Мелиорация» деган сўз «Қишлоқ» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **47-моддасининг биринчи қисмидан, 48-моддасининг учинчи қисмидан, 54, 88-моддаларидан** «давлат», «давлат хўжаликлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **48-моддасининг тўртинчи қисми учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вилоят, республика аҳамиятига эга тизимлар бўйича -- тегишли равишда вилоят, республика, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари тасдиқлайдилар»;

7) **79-моддасидаги** «Мелиорация» деган сўз «Қишлоқ» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N9, 322-модда):

1) **15-моддасининг биринчи қисми** «бюджет маблағларидан» деган сўзлардан кейин «махсус фондларнинг ёш болали муҳтож оилаларга нафақа тўлашга мўлжалланган, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган маблағларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **16-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда ёш болали муҳтож оилаларга нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлайди ва тўлайди»;

бешинчи -- саккизинчи хатбошиси тегишли равишда олтинчи -- тўққизинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Ветеринария тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N9, 335-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N6, 118-модда) **4-моддасининг иккинчи қисмидаги, 5-моддасининг биринчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи қисмларидаги, 7-моддасининг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларидаги, 9-моддасининг учинчи қисмидаги, 17-моддасининг тўртинчи хатбошисидаги, 18-моддасининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларидаги, 19-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил N9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N12, 269-модда):

1) **32-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **37-моддасининг биринчи қисми «а» бандининг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги, «г» бандидаги, 40-моддасининг биринчи қисмидаги, 43-моддасининг тўққизинчи қисмидаги, 66-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ижтимоий суғурта жамғармасига» деган сўзлар «Пенсия фондига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **66-моддаси биринчи қисмининг** биринчи жумласидаги «Ижтимоий суғурта жамғармаси» деган сўзлар «Пенсия фонди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **66-моддаси биринчи қисмининг** иккинчи жумласидаги «Ижтимоий суғурта жамғармасини» деган сўзлар «Пенсия фондини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»**ги 1993 йил 3 сентябрдаги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N9, 339-модда) **3-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Мустақиллик» орденини таъсис этиш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, N5, 115-модда) билан тасдиқланган «Мустақиллик» орденининг тавсифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

**«Мустақиллик»** ордени 1 микрон қалинликда олтин қопланган 925 даражали (пробали) кумушдан тайёрланади. Орден икки ён бағридан зарҳал нур таралган саккиз қиррали мусамман кўринишида бўлади. Икки ён бағридан таралган нурларнинг юзасида диаметри 2 миллиметрли 46 та фианит бор.

Мусамманнинг бурчаклари орасида ёқутранг эмаль қопланган тарам-тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Мусамманнинг қарама-қарши учлари орасидаги масофа -- 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри -- 52 миллиметр.

Орденнинг марказида мустақиллик рамзи бўлмиш Ҳумо қуши кумуш рангда тасвирланган. Ҳумо қуши ортидаги, рангли эмалдан ишланган манзара Ўзбекистоннинг жозибаси ва саховатини акс эттиради.

Ҳумо қушини ўраб турган айлананинг юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзи -- ярим ой ва юлдузни ўз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган майдоннинг диаметри -- 10,5 миллиметр, ярим ой ҳамда беш қиррали юлдуз жо бўлган майдонларининг диаметрлари тегишлича -- 5 миллиметр ва 2,6 миллиметр. Айлананинг тепа қисмида ўн икки инсоний фазилат рамзи бўлган, диаметри 2,5 миллиметрли ўн иккита ёқут тош бор. Айлананинг чеккалари ҳар икки томондан 1 миллиметр қалинликда мовий эмалдан ишланган қабариқ ҳошия билан ўралган. Айлананинг диаметри 36 миллиметр, қалинлиги 6 миллиметрдир.

Айлананинг пастки қисмида оқ рангли эмалдан ишланган манзарада ёқутранг эмаль билан қопланган **«MUSTAQILLIK»** деган ёзув бор. Ҳарфларнинг баландлиги -- 2,7 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ бўлиб, марказида орденни тақиш учун бурама штифт ва мурват бор.

Пастки қисмида орденнинг рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги -- 8 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги -- 60,5 грамм».

14. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N9, 193-модда, N12, 269-модда; 1996 йил, N5-6, 69-модда, N9, 144-модда; 1997 йил, N2, 56-модда):

1) **74-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«74-модда. Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Табиий сув манбаларидан (дарё, сой, кўл, булоқ, ер ости сувларидан) сув олиш қоидалари ва лимитларини бузиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган табиий сув манбаларидан сув олишни амалга ошириш, --

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса -- бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ирригация тармоқларидан сув олиш қоидаларини бузиш тарзида сувдан хўжасизларча фойдаланиш, гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитлари ва режаларини бузиш, --

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса -- иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, --

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса -- уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **261-моддасининг биринчи қисмидаги «ушбу Кодекснинг 63, 65, 68, 69, 70-моддаларида»** деган сўзлар «ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 65-моддасининг биринчи қисмида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 65-моддасининг иккинчи қисмида, 68-моддасида (ҳисоботни бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш бундан мустасно), 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 70-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «73, 74, 75-моддаларида, 76-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «73-моддасида, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинаётган сувлар ҳисобини юритиш, шунингдек, давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш бундан мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) Кодекс қуйидаги мазмундаги **$266^1$-ва $266^2$-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«$266^1$-модда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясига эга бўлган бош бошқармаси органлари**

Ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясига эга бўлган бош бошқарма органларига ушбу Кодекснинг 65-моддаси биринчи қисмида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қисми), 68-моддасида (давлат ер кадастри юритиш тартибини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот беришга оид қисми), 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси ерлардан фойдаланиш бўйича Бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ерлардан фойдаланиш бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари -- фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса -- етти бараваригача миқдорда;

ерлардан фойдаланиш бўйича давлат туман инспекторлари -- фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса -- беш бараваригача миқдорда жарима солишга.

**$266^2$-модда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари**

«Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 74-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (ирригация тармоқларидан олинадиган сув миқдорини ҳисобга олиш, шунингдек, давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузишга оид қисми), 76-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақлидирлар:

«Ўзсувназорат» республика сув инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув инспекцияларининг бошлиқлари, сув инспекцияларининг катта инспекторлари -- фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса -- етти бараваригача миқдорда;

сув инспекцияларининг туман инспекторлари -- фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса -- беш бараваригача миқдорда жарима солишга».

4) **287-моддасининг 5-бандида** «60, 69, 76» рақамлари «60-моддасида, 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўсимликлар карантини тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N9, 188-модда; 1996 йил, N9, 144-модда) **5-моддасининг биринчи қисми** «Қишлоқ» деган сўздан кейин «ва сув» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

16. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Наслчилик тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N12, 255-модда) **6-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари, 7-моддасининг номи, 9-моддасининг биринчи қисми, 15-моддасининг иккинчи қисми, 16-моддасининг тўртинчи қисми, 21-моддасининг иккинчи қисми, 22-моддасининг учинчи қисми** «Қишлоқ» деган сўздан кейин «ва сув» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

17. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N5-6, 63-модда) билан тасдиқланган «Амир Темур» орденининг тавсифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

**«Амир Темур»** ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 даражали (пробали) кумушдан тайёрланади ва икки ён бағридан нурлар таралган саккиз қиррали мусамман кўринишида бўлади. Мусамманнинг бурчаклари орасида яшилранг эмаль қопланган тарам-тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Мусамманнинг қарама-қарши учлари орасидаги масофа -- 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри -- 52 миллиметр.

Орденнинг марказида от минган Амир Темурнинг қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Отлиқ ортидаги рангли эмалдан ишланган манзара мовий рангда.

Отлиқ қиёфасини ўраб турган айлананинг юқорисида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзи -- ярим ой ва юлдузни ўз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган майдоннинг диаметри -- 10,5 миллиметр. Ярим ой ҳамда беш қиррали юлдуз жо бўлган майдонларининг диаметрлари тегишлича -- 5,0 миллиметр ва 2,6 миллиметр. Айлананинг юқори қисмида оқ рангли эмаль манзарада **«AMIR TEMUR»** ёзуви битилган бўлиб, у ёқутранг эмаль билан қопланган. Ҳарфларнинг баландлиги -- 2,5 миллиметр. Айлана бошдан охиригача маржонли нақшлар билан ўралган. Айлананинг диаметри -- 36 миллиметр, қалинлиги -- 6 миллиметр.

Айлананинг пастки қисмида оқ рангли эмаль манзарада мовий эмалдан ишланган **«KUCH -- ADOLATDA»** сўзлари битилган. Ҳарфларнинг баландлиги -- 3 миллиметр. Айлананинг чеккалари ҳар икки томондан 1 миллиметр қалинликдаги қизил эмалдан ишланган қабариқ ҳошия билан ўралган.

Айланаларнинг юқори ва пастки қисмлари диаметри 2,7 миллиметрли иккита ёқут тош билан ажратилган.

Орденнинг орқа томони ботиқ бўлиб, марказида орденни тақиш учун бурама штифт ва мурват бор.

Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги -- 8 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги -- 60,5 грамм».

18. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Буюк хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N9, 119-модда) билан тасдиқланган «Буюк хизматлари учун» орденининг тавсифи қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

### «Буюк хизматлари учун» орденининг ТАВСИФИ

«Буюк хизматлари учун» ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 даражали (пробали) кумушдан тайёрланади ва саккиз қиррали мусамман кўринишида бўлиб, унинг қирралари ёқутрангда тайёрлангандир. Мусамманнинг бурчаклари орасида мовийранг эмаль қопланган тарам-тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Мусамманнинг қарама-қарши учлари орасидаги масофа -- 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри -- 52 миллиметр.

Орден марказида битта умумий марказга эга бўлган, диаметрлари 36 ва 24 миллиметрли иккита айлана жойлашган. Ички айланада рамзий тарзда тасвирланган мовий рангдаги ер курраси фонида Ўзбекистон Республикаси харитаси тилла рангда тасвирланган. Ташқи ва ички айланалар ўртасида, юқори қисмида оқ эмаль фонида кумуш рангдаги **«BUYUK XIZMATLARI UCHUN»** ёзуви жойлашган. Ҳарфларнинг баландлиги -- 3 миллиметр. Айлананинг пастки қисмида яшил рангдаги иккита бирлаштирилган дафна новдалари жойлаштирилган.

Орден оралиқ колодка ва ҳалқалар ёрдамида муҳайяр лентага бириктирилади. Тилларанг оралиқ колодка чиқиб келаётган қуёш фонидаги Ҳумо қуши тасвири кўринишида. Колодканинг эни -- 45 миллиметр, баландлиги -- 30 миллиметр. Муҳайяр лента йўл-йўл қизил, мовий, оқ ва яшил ранглардан иборат.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Пастки қисмида орденнинг рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги -- 8 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги -- 65 грамм».

19. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N9, 130-модда):

1) **6-моддасининг иккинчи қисми, 7-моддасининг иккинчи қисми, 9-моддасининг учинчи қисми, 14-моддасининг номи ва биринчи қисми биринчи хатбошиси, 15-моддасининг биринчи қисми** «Қишлоқ» деган сўздан кейин «ва сув» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **12-моддасининг биринчи хатбошисида** «Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Селекция ютуқлари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N9, 133-модда) **3-моддасининг учинчи қисми** «Қишлоқ» деган сўздан кейин «ва сув» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**II. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1954 йил 27 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги министрлиги тузиш тўғрисида»**ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1954 йил, N2, 2-модда);

1954 йил 29 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг текстига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1954 йил 27 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги министрлиги тузиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлашга доир қисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1954 йил, N5, 2-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1989 йил 19 сентябрда қабул қилинган **«Агросаноат комплекси бошқарув органлари системасидаги ўзгаришлар ҳақида»**ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1989 йил, N25, 369-модда);

1989 йил 21 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Давлат бошқаруви органлари системасидаги айрим ўзгаришлар тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1989 йил, N26-28, 462-модда) бешинчи хатбошиси;

1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқаруви идоралари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, N4, 64-модда) учинчи хатбошиси.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 апрель.

